


лан тўланган ҳақ ўртасидаги кун сайин қаттиқ контроль ўр-
тафовут эътиборга олиниб, 25 натижлари лозим. (ЎзТАГ).



Қишлоқ лавҳалари.

А. Аббасов фототўғди.

ПИОНЕРЛАР ОРОМГОҲИ

Султон Сегизбоев номли. «Ўзбекистон ССР 5 йиллиги» совхозлари ва бошқа хўжалик-тоғаларда ташкил этилган «Оромгоҳларда» ҳамда «Оҳангарон» совхозлари Мустафо Чачи номида совхозларда пионерлар лагерида ҳозир салкам 13 минг ўқувчи ёзи қаниқули ўтказмоқда.

Пионер лагерлари бу йил яна ҳам кенгайди, қўшимча бинолар қад кўтарди, гулаорлар ва спорт майдончалари бунёд этилди. Айниқса, совхозларда пионерлар лагерини хизматидан ўқувчилар мамнун бўлмоқдалар. 320 нафар ўғил-қиз ҳозир бу ерда ҳордиқ чикармоқда. 2 ва 3-семенада яна 640 ўқувчи лагерь қўйишда дам олиб, янги ўқув йили учун куч тўплайди. Ҳар икки район мактаб ўқувчилари пионер лагерларида қизиқарли суҳбатлар тингашди, турли машғулотлар билан банд бўладилар. Пионерлар спортнинг кўпгина турлари бўйича мусобақалар ўтказиладилар. Бундан ташқари пойтахтнинг тарихий жойларига экскурсиялар уюштирилади.

ҚИШЛОҚ-ШАҲАРГА

Пийшқчилик бошланди. Миршкор деҳқонлар, боғбонлар етиштирган ёз меъматлари пойтахт аҳолиси дастурхонини беэмомда. Колхоз бозорларида, сабзавот магазинларида ёз меъматлари қўзғув бўлиб турибди.

Областимизнинг Оржоникиде ва Калинин районларидаги колхоз-совхозлар, ёз меъматларини шаҳар аҳолисига сотиш билан бирга консерва заводларига ҳам жўнатилмоқдалар. Тошкент консерва заводида сабзавотларни қайта ишлаш маъсули бошланди. Улар 1 миллионга яқин шартли банка қўлланай, олча, олма, компотлари тайёрлайдилар.

Шу қушларда завод коллективини поландан пайиш-пайиш билан боғлиқлардан консервалар тайёрлашга ҳам киришди. Улар бу йил ўтган йилгига нисбатан 100 мингдан ортиқ бодиринг консерваси тайёрлаш мажбуриятини олишган. Эртанинги завод аҳли меҳнаткашлар учун узум шарбати ва помидор консервалари, турли мева шарбатлари тайёрлашнинг ҳам бошлаб юбориладилар. Алоҳида помидордан тайёрланадиган шарбат учун махсус агрегатлар тайёрлаб қўйилди.

М. ЗАРИПОВ.

ЯНГИ МАРШРУТ

Оқтош, Хумсон, Чимён ва Чорвоқ сув омбори пойтахтимиз атрофидаги энг сарманзара, соя-салқин, гузал дам олиш жойларидир. Юзлаб меҳнаткашлар ана шу оромгоҳларда дам олиб, маданий ҳордиқ чикармоқдалар.

Тошкент экскурсия ва саёҳатлар бюроси «Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги шарафига янги маршрутлар очмоқда. Яқинда ташкил этилган «Адабий Тошкент», «Пойтахт»

миз келажиги» маршрутлари шулар жумласидандир. Эскурсияларда бўлган кишиларга Улуг Ватан уруши йилларида пойтахтимизда яшаб иккунда этган турли миллатлар ёзувчилари ҳақида ҳикоя қилинади.

Эскурсиялар бюроси областимизнинг гуллаб-гиллаётган колхоз ва совхозларига ҳам экскурсия уюштирмоқда. Оқ-қўрғон, Бўёқ, Юрғон, Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ, Чирчиқ, Олма-лик ва бошқа шаҳарларга уюштирилаётган экскурсиялар шулар жумласидандир.

Спорт

ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА

Германия Федератив Республикаси шаҳарларида ўтаётган жаҳон биринчилиги мусобақалари кескин спорт кураши билан ўтмоқда. Силкиш командаси ўз гуруҳида ҳозир мусобақани давом эттиряпти. Навбатдаги турда Польша футболчилари Югославия терма командасини 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратдилар. Биринчи турда мексиканлик капитани Дайяна ўн бир метрлик белидан аниқ нишонга туширди. Шундан сўнг Югославия командаси ҳужумчиси Караси ҳисобни тенглаштирди.

Учрашувнинг иккинчи бўлимида Польша футболчилари ҳужумини яна ҳам кучайтирдилар.

18-минутда қанот ҳужумчиси Гадоха ўнг бурчандан тўпни ҳужумчи Лятога аниқ ошириб берди. Лято тўпни дарвозага йўналтириб, ўз командасини яна олға етаклади.

Югославиялик ўйинчилар ҳисобни тенглаштиришга қанчалик уринишмасин, барибир мағлубиятдан қутула олмадилар. 2:1 ҳисоби ўйин охиригача ўзгармади.

Голландия терма командаси футболчилари ўша кун ГДР командаси дарвозасига жавобсиз иккита тўп киритишди. Бразилия ва Аргентина учрашувини 2:1, ГФР ва Швеция учрашувини 4:2 ҳисобида якунланди. 3 июлда навбатдаги тур ўйинлари ўтказилади.

ЯРИМ ФИНАЛ МУСОБАҚАЛАРИ

СССР кубогини учун ўтказилган ярим финал ўйинларида «Заря» футболчилари ўз майдонларида Донецкнинг «Шахтёр» командасини 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратдилар. Киевнинг «Динамо» командаси футболчилари эса Тбилиснинг

ўз клубдорларини қабул қилди. Учрашув нисбатлари фойдага 1:0 ҳисобида ҳал бўлди. Энди тақрибий ярим финал ўйинлари Донецк ва Тбилис шаҳарларида 5 июль кунини ўтказилади. Ўша кунини финалчи командалар маълум бўлади.

ГОЛИБ БЎЛИБ ҚАЙТИШДИ

Ишда шахрида ўтказилган жаҳон шахмат олимпиадаси ниҳоятда етди. Унда 73 мамлакат шахматчилари ўзаро мусобақалашдилар. Учрашувларни муваффақиятга ўтказган совет шахматчилари 46 очко тўплаб,

ҳаммадан олдинга ўтиб кетдилар ва олимпиада голиб бўлиб қайтишди. Югославия шахматчилари эса иккинчи ўринни эгаллашди. Учинчи ўрин АҚШ командасига насиб бўлди.

ЎЗБЕКИСТОНЛИК ЕВРОПА ЧЕМПИОНЛАРИ

Самбо бўйича ўтказилган Европа чемпионатида ўзбекистонлик лавонлар ҳам ўз маҳоратларини намойиш қилдилар. СССР терма командаси составида қатнашган самбочиларимиз Собир Қурбонов ва Мельхис Ан ўз вази тоғфаларида

биринчи ўринни эгаллаб, вапаларига Европа чемпионини унвонини олган ҳолда қайтидилар. Айниқса, Собир Қурбонов маҳоратига мутахассислар қойил қолди. Финалда у ўз рақибини бир минутга қолмай енгди.

ШИФОБАХШ ҚЎЛЛАР

ХАТЛАРИНИ УҚИБ

«Кейинги йилларда Тошкентдаги 1-шаҳар касалхонаси анча кенгайди. Шу яқингача, бу ердаги ўринлар сонин 400 тадан ошмасди. 17-шаҳар касалхонасининг жарроҳлик бўлими кўчиб ўтгач, бир йўла 600 беморнинг даволашнинг имкони тўғилди.

«Брачларнинг қўли бой тақриб тўлган шифокорлардир. Бош брач К. Ризоевда тортиб, асаб касалликларини бўлимининг мудир К. Шабарова, брач В. Булавина, хирург Р. Азиевагача — ҳамма-ҳаммаси ўз касб-корини жонидан севади, беморлар билан энг яқин кишилардек муносабатда бўлади. Кейингида касалхонада янги бўлимлар очилади. Бунинг учун ҳозир қўшимча кўп қаватли бинолар қуриш учун тайёргарлик бошланиб кетди».

Газетхон М. Азаматов шифокорнада амалга оширилаётган

бошқа тадбирлар, илғор даволаш усуллари ҳақида ҳам батафсил тўхтаган.

Бўстонлик район болалар касалхонасининг врач Ш. Олимжонова шу шифохона фаолияти нисолда даволашнинг илғор усуллари ҳақида ҳикоя қилди. Чиноз районидан 270-дорихона хизматидан ҳам аҳоли мамнун. Дала ишлари қизиб паллада кирган шу долзарб қушларда дорихона хизматларини қўшимча колхозчилар қўзурида учратасиз.

Хат муаллифлари Н. Уринбоев билан Т. Жўрабоев бу ерда таълим этилган қўшма дорихоналарнинг намунали ишларини ҳам қаламга олмишган.

Газетхонлардан М. ва И. Баратовлар йўллаган мақола «Раҳмат, шифокорлар» деб номланади. Оққўртон райониинг «Алимент кишлоғи касал-

хонасида тақрибани, ширинсухан шифокорлар ишлашди. Улар беморларнинг изат-ҳурматини қозониш учун қўлларидан келган ёрдамларини аяшмайдилар.

Бўстонлик районидан Б. Бўстонлик қишлоқ касалхонасининг бош врач И. Кенжаев ҳам, Бўна районидан К. Маркс номи колхозининг 2-ишталарида кирган шу долзарб қушларда дорихона хизматларини қўшимча колхозчилар қўзурида учратасиз.

Ҳа, халқ соғлиғи йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилаётган шифокорларга доим раҳмат дегинг келди!

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.00 — МОСКВА. 18.45 — ТОШКЕНТ.

18.50 — Қўвонч пионер эса. 19.20 — Фарғона комсомоллари. 20.10 — «Ахборот», 20.35 — Иқтисодий билимлар клуби. 20.35 — Ўн минут музика. 21.03 — «Ахборот», 21.25 — Ношёрт. 22.00 — «Вақт». 22.30 — Қишлоқ хўжалик билимлари телевизион халқ университети. 23.00 — Кинокурсоват. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 11.00 — ТОШКЕНТ. 18.45 — МОСКВА. 19.45 — Нулол дастурхон (телефильм). 21.30 — Концерт.

22.30 — П. И. Чайковский номидати V халқаро конкурсида. 23.05 — Спорт мундациги. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — Тошкент янгиликлари. 19.15 — Бадний ўқини. 19.35 — Хужжати киноэкрани. 20.00 — Эстрада концерти. 20.30 — Тугалланмаган қисса (бадий фильм).

ХАМЗА НОМИЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 21VII да Йўлланган узун. 41VII да Комиссия.

ҚИШКИ БИНОДА

Доктор Калининнинг иш кунлари — «СПУТНИК», «ДРУЖБА» (кушф соатларда) «НУКУС» (кушду ва кечурун).

Қора пайлоқ — «ЎЗБЕКИСТОН», «ТОШКЕНТ СОВЕТНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кунду ва кечурун), «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

100 процент нейлон — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», НАВОНИ номи (кунду ва кечурун), «ДРУЖБА» (тоқ соатларда).

ЕЗГИ БИНОДА
Қора пайлоқ — «ХИВА»
Италияликларнинг Россиядаги галати саргузаштлари — ТЕП-МАН номи.

«Узлудотормонган» трестининг ТОШКЕНТ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН РЕМОНТ-МОНТАЖ БОШКАРМАСИ

совутиш, савдо ва умумий оқватлашхона корхоналарининг электр иссиқлик ва меҳнат ускуналари мутахассисликлари бўйича

Ўқувчилар ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Курсларга Тошкент шаҳрида доимий прописида турувчи 22 ва ундан натта ешли, камида 3 разряд элктрон мутахассислигига эга ва иккунда ёшиш дигателлари ремонти бўйича разрядли слсарлар қабул қилинади.

Ўқувчиларга стипендия берилади.

Ўқини муддати — 4-5 ой. Мурижаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Грампластинна кўчаси, 40-уш. Телефонлар: 66-21-31; 66-03-65.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Орган Ташкентского обкома КП Ўзбекистана и облисполкома

БИЗНИНГ АДРЕС: 700029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26. ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар — 338142, коммутатор — 330249 дан 330258 гача